

UO‘K: 342.7-053.6(575.1)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЖИНОЯТ-
ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИГА ОИД ТАҲЛИЛЛАР**

Ашурова Нилуфар Ўктамовна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат

хавфсизлиги университети доценти,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: *Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар ҳуқуқларини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг назарий ва амалий муаммолари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, хусусан, Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган инсон қадрини улуғлаш ва болалар манфаатларини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар мазмунини билан узвий боғлиқ ҳолда ёритилган. Шу билан бирга, миллий қонунчилик нормалари халқаро стандартлар, айниқса Бирлашган Миллатлар Таъкилотини томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талаблари нуқтаи назардан баҳоланган.*

Мақолада статистик маълумотлар асосида Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятлардан жабрланувчи сифатида салмоқли улушни таъкил этаётгани кўрсатиб берилган ҳамда сўнгги йилларда болаларга нисбатан содир этилаётган жиноят турлари, жумладан ҳаётга, соғлиққа, жинсий дахлсизликка ва жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар динамикаси таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари амалдаги жиноят қонунчилигида айрим нормаларнинг дискрет характерга эгаллиги, яъни турлича талқин қилиниши мумкин бўлган ифода ва тушунчалар мавжудлиги сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашув шаклланимаганлигини кўрсатади. Хусусан, “оғир аҳволдаги шахс”, “оғир оқибатлар”, “раҳмсиз муомала” каби атамаларнинг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмаслиги квалификацияда хатоларга ва жазо тайинлашда номувофиқликларга олиб келаётгани илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот доирасида шахсга қарши жиноятларда, айниқса қасддан одам ўлдириши билан боғлиқ ҳолатларда вояга етмаганларга нисбатан содир этилган қилмишларни алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш зарурати асослантирилган. Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаган жабрланувчилар иштирок этган қотиллик ишларида оғирлаштирувчи бандлар ҳар доим ҳам қўлланилмаётгани жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига мутаносиб ҳуқуқий баҳо берилишига тўсқинлик қилмоқда. Шу муносабат билан жиноят қонунчилиги нормаларини аниқлаштириши, оғирлаштирувчи ҳолатларни дифференциация қилиши ва болаларга нисбатан содир этилган жиноятларнинг профилактик аҳамиятини кучайтириши бўйича аниқ таклифлар илгари сурилган.

Мақолада вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг турли кўринишлари, жумладан жисмоний, руҳий, жинсий ва ахборот-коммуникация технологиялари

орқали содир этиладиган киберзўравонлик шакллари ҳам таҳлил этилган. Замонавий рақамли муҳит шароитида болаларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмлари етарли даражада шаклланмагани, миллий қонунчиликда буллинг, кибербуллинг ва бошқа янги таҳдид турларининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи мавжуд эмаслиги илмий асосланган хулосалар билан баён этилган. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун муқобил жазо чоралари, реабилитация ва тарбиявий таъсир механизмларини такомиллаштириш масалалари ҳам ёритилган.

Тадқиқот натижасида жиноят кодексининг қатор моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, квалификация қилувчи белгиларни аниқлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда статистик ҳисобот юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар берилган. Шу билан бирга, миллий қонун ҳужжатларида “вояга етмаган”, “бола”, “ёш” каби терминологик ноаниқликларни бартараф этиш ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ягона атамадан фойдаланиш зарурати асослаб берилган.

Калит сўзлар: вояга етмаганлар, бола ҳуқуқлари, жиноят-ҳуқуқий муҳофаза, зўравонлик, оғирлаштирувчи ҳолат, қотиллик, жинсий жиноятлар, ҳуқуқий бўйлиқ, квалификация, халқаро стандартлар, профилактика, реабилитация, жиноят кодекси, болаларни ҳимоя қилиш, суд амалиёти.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “... Биз учун энг олий кадрят — бу инсон, энг катта бойлигимиз эса — эртанги кун эгалари бўлган фарзандларимиздир. Давлат сиёсатининг марказида турадиган устувор вазифа — болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларга хавфсиз муҳит, сифатли таълим ва соғлом келажак яратиб беришдир. Биз зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига, болалар манфаатига зид бўлган ҳар қандай таҳдидга нисбатан муросасиз бўламиз. Ҳар бир бола бахтли бўлишга, ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳақли ва давлат шу ҳуқуқнинг ишончли кафолатини таъминлаб бериши шарт” дея таъкидлади.

Дарҳақиқат юртбошимиз томонидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, болаларни жиноий тажовузлардан ҳимоялаш ва бу борада қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурати ушбу ислохотларнинг алоҳида муҳим қисмини ташкил этмоқда.

2025 йилнинг 5 сентябр куни Ўзбекистон болаларга нисбатан зўравонликка барҳам беришга қаратилган глобал альянсга қўшилганлигини давлатимиз томонидан болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш сиёсати натижаси сифатида баҳолаш мумкин.

UNICEF’нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қайд этишича, давлатимиз ушбу альянсга кирган 46-давлат бўлди ва бу мажбурият мамлакат эришган сезиларли ютуқларга асосланади[1].

Альянсга қўшилиш Ўзбекистон учун янги имкониятлар эшигини очиши билан бирга, бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш, самарали амалиётлар билан ўзаро

алмашиш ва жаҳон тажрибасидан фойдаланиш борасидаги мажбуриятларни ҳам юкланиши нуктаи назаридан мазкур мавзу доирасидаги тадқиқот муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда вояга етмаганларга нисбатан содир этилаётган жиноятлар энг долзарб ва хавотирли муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бундай жиноятларга жисмоний ва жинсий зўравонлик, эксплуатация, болалар савдоси, киберзўравонлик, ва зўравонликнинг бошқа шакллари киради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар иккинчи бола — тахминан 1 миллиард нафар — ҳар йили зўравонликнинг турли шаклларига дучор бўлади. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили тахминан 1 миллион бола жинсий савдо қурбонига айланади. Ҳар йили тахминан 40 минг бола ота-оналари ёки қонуний васийлари томонидан келтирилган зўравонлик оқибатида ҳалок бўлади[2].

Мавзунинг долзарблиги юртимиз аҳолисининг демографик таҳлилидан ҳам маълум бўлади, хусусан мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми(36,6%)ни айнан вояга етмаганлар ташкил этиб уларнинг сони бугунги кунда 12 млн нафардан ортди[3].

Жаҳонда бола ҳуқуқларини қай даражада таъминланаётганлиги ҳамда давлатлар бола ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга қай тарзда интилаётганлигини аниқлайдиган “KidsRight Indeks” халқаро рейтингида “2024-йилда Люксембург (1), Исландия (2), Греция (3), Қозоғистон (21), Туркманистон (33), Россия (87), Қирғизистон (89), Тожикистон (99), Ўзбекистон эса 194 та давлатлар орасида 97-ўринни эгаллаган бўлиб, Ўзбекистоннинг жинсий-ҳуқуқий сиёсатда олиб борилаётган ислохотлари натижаси эканлигини кўришимиз мумкин[4].

Мавзунинг долзарблиги.

Мавзунинг ижтимоий долзарблиги қуйидагилардан намоён бўлади:

— ҳуқуқий тизимда вояга етмаганларнинг манфаатларини таъминлашда интеграцияланган ёндашувнинг йўқлиги, ушбу соҳадаги халқаро стандартлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самарадорлигини пасайтирмоқда;

— сўнгги вақтларда болаларга нисбатан ижтимоий хавфли тажовузларнинг содир этиш тури ва усуллари ўзгариб бораётганлиги, бироқ мазкур ижтимоий хавфли қилмишларнинг жинсий-ҳуқуқий қамраб олинмаганлиги;

— вояга етмаганлар шахс сифатида шаклланмаганлиги, уларнинг мураккаб психо-физиологик ўзгариш билан боғлиқ ҳолатлари ва ўз манфаатларини мустақил ифодалай олмасликлари, ҳуқуқий ва бошқа муҳофазага муҳтожлиги;

— мамлакатимиз жиноят қонунчилигида белгиланган жиноятларнинг айрим турларида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган шакллари алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилмаганлиги;

— жиноят кодексининг айрим нормалари дискрет талқин этилиши мумкин бўлган жумлалар билан ифодаланганлиги, вояга етмаганларнинг жинсий-ҳуқуқий муҳофазасига зид эканлиги;

→ мамлакатимизда вояга етмаганларга нисбатан жинсий турдаги жиноятлар содир этиш ҳоллари кўпаётганлиги боис, мазкур турдаги жиноятларни олдини олишнинг ҳукуқий жиҳатларини такомиллаштириш зарурати;

→ замонавий технологияларнинг ривожланиши билан виртуал макон ва виртуал майдонда вояга етмаганларга нисбатан кўндириш, алдаш ёки бошқа йўллар билан турли хилдаги материалларни тарқатиш ҳоллари ортиши ва бошқа кўплаб асослар мавжуд.

Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунчилик базасини такомиллаштириш;

-уларнинг жамиятда тўлиқ ҳуқуқий кафолатларга эга бўлишини таъминлаш ва ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш талаб этилади.

Ўраганилган статистик рақамларнинг таҳлилидан ҳам маълум бўладики, Ўзбекистон шароитида вояга етмаганларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси борасида жиддий тадқиқотлар олиб бориш лозим.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ маълумотларига кўра, республикамызда 2024 йилда жами 46 827 нафар шахслар жиноятлардан жабрланган бўлса, шундан 1 661 нафари (3,5%) 12 ёшгача бўлган болалар, 533 нафари (1,1%), 13-14 ёшли болалар ва 1 870 нафари (4%) 15-17 ёшли болалар, умумий кўрсаткич 4 064 нафар ёки 8,6 фоизни ташкил этмоқда.

2025 йилнинг 7 ойи давомида жами 15 180 нафар жиноят қурбонлари орасидан 1 475 нафари вояга етмаганлар бўлиб, деярли 10 фоиз улушни ташкил этмоқда[5].

Бундан ташқари, 2024 йилда содир этилган жиноят турлари бўйича жиноятдан жабр кўрган вояга етмаганларнинг 38 нафари (1%) ҳаётга қарши жиноятлар қурбони бўлган бўлса, 473 нафари (11,6 %) соғлиққа қарши жиноятлар, 516 нафари (12,6%) жинсий турдаги ва ахлоққа қарши жиноятлар, 481 нафари (11,8%) иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, 2 467 нафар (60%) вояга етмаган шахслар жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар қурбонига бўлган.

2025 йилда мазкур кўрсаткич, вояга етмаганларнинг 16 нафари (1%) ҳаётга қарши жиноятлар қурбони бўлган бўлса, 209 нафари (14 %) ҳаёт ёки соғлиққа қарши жиноятлар, 140 нафари (9,4%) жинсий турдаги ва ахлоққа қарши жиноятлар, 213 нафари (14,4%) иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, 867 нафар (58,7%) вояга етмаган шахслар жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар қурбонига бўлган.

2 йил давомида статистик рақамлар таҳлили вояга етмаганларнинг жабрланувчи сифатида энг катта улуши транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жинояти 2 157 нафар (жами в/е жиноят қурбонларининг 53%), кейинги ўринда 302 нафар (7,4%) 16 ёшга тўлмаган шахсга уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш, жинсий алоқада бўлиш жиноятлари, 3-ўринда 238 нафар (5,8%) жабрланувчиси бўлган безорилик, 228 нафар (5,6%) ўғрилик, 181 нафар (2,9%) номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий равишда қондириш, 119 нафар билан фирибгарлик, 78 нафар талончилик, 40 нафар товламачилик, 29 нафар

одам савдоси, 15 нафар босқинчилик жиноятлари қурбони бўлган болаларни ташкил этмоқда.

Тадқиқот давомида аниқланган муаммолар:

1. Жиноят қонунчилигида вояга етмаганларнинг ёш хусусиятлари ва юқори даражадаги ҳимоясизликлари ҳар доим ҳам тўғри ҳисобга олинмайди.

Шахсга қарши жиноятлар, хусусан ҳаётга қарши жиноятларда вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятлар оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланмаганлиги натижасида мазкур турдаги жиноятларга қўлланилаётган жиноий жазоларнинг либераллиги;

Бундай квалификация қилувчи белгиларнинг йўқлиги, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятлар учун санкцияларнинг қаттиқлигини таъминлашни қийинлаштиради. Бу жиноятларнинг очик-ойдин юқори ижтимоий хавфлилигидан қатъи назар, жабрланувчиларга нисбатан адолатли ҳукм чиқаришга тўсқинлик қилади. Натижада, вояга етмаганлар каби жамиятнинг энг ҳимоясиз қатлами қонунчилик орқали етарлича ҳимояланган эмас, бу эса уларга етказилаётган зарарнинг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада ҳисобга олинмаслигига олиб келади.

2. Шахсга қарши жиноятларда, хусусан қотиллик жиноятида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд қилинган айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги номли “в” бандининг “ожиз аҳволдаги” жумласи турлича талқин қилиниши мумкин бўлган дискрет жумла эканлиги сабабли ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин этилаётганлиги;

3. Вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий-ҳуқуқий муҳофазасини такомиллаштириш масалаларини илмий таҳлил қилиш, мавзу доирасида илмий категорияларнинг мазмунини янада аниқлаштириш зарурати мавжудлиги, “мажбурлаш”, “руҳий мажбурлаш” ва “болалар ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш” каби жумлаларга илмий-назарий таърифларни шакллантирилмаганлиги;

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 118-119-моддаларининг 3-қисмининг е) банди “оғир оқибатларга олиб келган бўлса” сўзларида “оғир оқибатлар” тушунчаси турлича талқини қилиниши мумкин бўлган дискрет жумла эканлиги боис турлича ҳуқуқий баҳоланиш билан боғлиқ амалиётга сабаб бўлаётганлиги;

5. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишда вояга етмаганни ёшини аниқлаш мураккаблиги каби муаммоларни ҳуқуқни қўллаш фаолиятига салбий таъсир ўтказаетганлиги;

6. Жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик турлари тўлиқ таснифланмаганлиги, бунда жиноятларнинг жисмоний, руҳий, жинсий, иқтисодий босим ва назоратсизлик каби турли шакллари қўшимча тадқиқ этиш лозимлиги;

7. Вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятларни ижтимоий хавфлилигини юқори баҳолаш бўйича етарли ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмаслиги, чунончи айрим моддаларда (Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli жиноятлар) вояга

етмаганларга нисбатан шу турдаги жиноятни содир этилиши оғирлаштирувчи банд сифатида қайд этилмаганлиги;

8. Айрим турдаги жиноятларни вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, жазоларни дифференциация қилишда муқобил жазоли санкциялар белгиланмаганлиги;

9. Субъект ёшига тўлмаган вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун тарбиявий ва реабилитация чораларнинг ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги;

10. Вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг муқобил шакллари ва турлари етарли эмаслиги;

11. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудига шиддат билан кириб келаётган ахборот оқими даврида болаларга нисбатан зўравонликни турли кўринишлари хусусан, буллинг, кибербуллинг, троллинг, хейтинг, фрейпинг, диссинг, аутинг, кетфишинг, сталкинг, гриффинг, секстинг сингари турларини жиноий-ҳуқуқий қайд этилмаганлиги;

12. Жиноят қонунчилигида мавзу предметида оид бўлган бир қанча тушунчалар, жумладан “раҳмсиз муомала”, “муттасил равишда камситиш”, “оғир оқибатлар”, “ўтакетган беҳаёлик” ва яна бир неча жумлаларнинг аниқ таърифи ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувлар ва квалификация хатолар учраётганлигини;

13. Миллий қонун ҳужжатларида 18 ёшга тўлмаган шахсларни турли хилда номланиши, яъни бунда “Вояга етмаган”, “Ёш”, “Бола”, “Фарзанд”, “Ўспирин”, “Ёшлар” каби терминлардаги ҳар хиллик халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига зидлиги ва норматив ноаниқликларни келтириб чиқараётганлиги;

14. Умуман, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўра, вояга етмаган шахслар бир неча мақомда иштирок этишлари мумкинлиги:

1) жабрланувчи сифатида;

2) жиноятчи шахс сифатида;

3) жиноий жавобгарлик ёшига етмаганлиги сабабли жиноий жавобгарликка тортилмайдиган шахс сифатида;

4) ақли норасо ҳолатда ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс сифатида уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида бир қанча ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги ва бошқалар;

Амалдаги қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар ва номувофиқликлар нафақат ҳуқуқни қўллашда қийинчиликлар келтириб чиқаради, балки жиноятларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳам пасайтиради.

Шунинг учун мазкур тадқиқот:

1. Вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик ҳаракатларининг ҳуқуқий табиатига оид баҳс-мунозараларни аниқлаш;

2. Қонунчиликда мавжуд бўшлиқларни таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш;

3. Вояга етмаганларга нисбатан зўравонликка қарши профилактик чоратadbирларни такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадида долзарб илмий ва амалий вазифаларни қамраб олади.

Тадқиқот натижалари нафақат жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётида адолат ва ижтимоий хавфсизлик тамойилларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, вояга етмаганларнинг ҳимоясини кучайтиришга, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий манфаатларини таъминлашга қаратилган стратегияларни шакллантириш учун асос яратади.

Тадқиқот натижасида аниқланган муаммолар бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шахсга қарши жиноятлар, хусусан ҳаётга қарши жиноятларда вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш лозим. Бунда тадқиқот ишида ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган бўлиб, унинг натижаларига кўра, биргина ҳаётга қарши жиноятлар хусусан қасддан одам ўлдириш жиноятларини судларда кўриб чиқиш статистикасига эътибор қаратсак, 2020 йилда 377 та қайд этилган бўлса, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган қотиллик жиноятларининг 13 тасидан атиги 4 таси (30,7 %)и ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “в” банди билан квалификация қилинган.

2021 йилда жами 440 та қотиллик билан боғлиқ жиноятлар судларда кўриб чиқилган бўлса, улардан 21 таси вояга етмаганларга нисбатан содир этилган ва уларнинг 6 таси ёки 28,5 фоизи оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилган, деб топилган. 2022 йилда 422 та қотиллик жиноятидан 19 таси вояга етмаганларга нисбатан содир этилган бўлса, уларнинг атиги 4 таси ёки 21 фоизи оғирлаштирувчи ҳолат, деб ҳуқуқий баҳоланган. 2023 йилда 358 та жами қотиллик ва 18 таси вояга етмаганларга нисбатан содир этилган бўлса, шундан 10 таси оғирлаштируви ҳолат сифатида баҳоланган. 2024 йилда бўлса, жами 402 та қотиллик жинояти судлар томонидан кўриб чиқилган ва уларнинг 22 таси вояга етмаганларга нисбатан содир этилган, ҳамда мазкур жиноятларнинг 13 таси ёки 59 фоизи оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ҳуқуқий баҳоланган[4].

Юқоридаги статистик маълумотлар таҳлилидан маълум бўлмоқдаки, қотиллик жиноятларига ҳуқуқий баҳо беришда амалиёт ўз қоидаларидан келиб чиқиб талқин қилмоқда ва бу ўз навбатида жиноят ҳуқуқий сиёсатда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмоқда. Статистик маълумотлар таҳлилига эътибор қаратсак, вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятлардаги улушида қотиллик жиноятлари оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жами жиноятларнинг кам сонли улушидагина акс этмоқда.

Бизнингча, “Ожиз ахвол” деганда Олий суд Пленум қарорида берилган тушунтиришга кўра шахснинг “жуда ёш” эканлиги ҳар хил шарҳлаш имконини берувчи дискрет жумла ҳисобланади.

Умуман олганда, оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш жиноятларида вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилиши ҳолатини алоҳида қайд этилмаганлиги,

айнан бу борада қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини кодексда дифференциация қилинмаганлигидан далолат беради.

Бу борада хориж давлатларининг Франция Жиноят кодекси (Pénal Code)га кўра, 221-модда ва 221-4-модда жабрланувчи 15 ёшдан кичик бола бўлса – оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган[6]. Россия Федерациясининг Жиноят кодекси 105-моддасида қасддан одам ўлдириш жиноятининг оғирлаштирувчи ҳолатида “Айбдор учун ожиз ҳолатда эканлиги аниқ бўлган вояга етмаган ёки бошқа шахсга нисбатан, шунингдек одам ўғирлаш билан боғлиқ ҳолда содир этилган”лиги алоҳида иккинчи қисмининг “б” бандида акс этган[7].

Юқоридаги хориж давлатларининг жиноят қонунчилигидан маълум бўлмоқдаки, шахсга қарши жиноятлар бўйича вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатини уларни ушбу жиноят қурбонлари сифатида такомиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бизнингча, ҳаётга қарши жиноятларда вояга етмаганларга нисбатан содир этилган ҳолатлари алоҳида оғирлаштирувчи бандларда акс эттириши лозим. Мазкур гоёни амалиётга жорий этишнинг бир қанча асослари мавжуд. Хусусан:

Биринчидан, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига мувофиқ, давлатнинг амалга ошираётган сиёсати болаларга нисбатан содир этилган ҳар қандай кўринишдаги тажоввуддан ҳимоя қилиш мажбурияти мавжудлиги;

Иккинчидан, вояга етмаган шахс аксарият ҳолатда ўзини ҳимоя қила олмайдиган даражада ожиз, яъни кучлар нисбати катта шахсларга қараганда кам бўлади;

Учинчидан, бу турдаги жиноятларни содир этаётган шахслар болаларга нисбатан жиноят содир этаётганида нисбатан шафқатсизларча ҳаракат қилиши, жиноий мотиви ижтимоий жиҳатдан ўта хавфли эканлигини англатиши билан ажралиб туради;

Тўртинчидан, қонунчиликда бундай жиноятлар оғирлаштирувчи ҳолат сифатида алоҳида белгиланиши, жиноят содир этиш ниятида бўлган шахс жазо оғирроқ бўлишини ангалаган ҳолда бундай ҳаракатлардан тийилишига профилактик жиҳатдан хизмат қилади;

Бешинчидан, бу турдаги жиноятлар бўйича қонун нормаларини аниқ ва бир хилда қўлланилишига имкон беради;

Олтинчидан, “ожиз аҳволдаги” “ночор шахс” жумлалари Жиноят кодексида аниқ таъриф берилмаганлиги боис, амалиётда турли хилда талқин этилиши мумкин бўлган дискрет хусусият касб этаётганлиги ва бошқалар.

Ҳаётга қарши жиноятлар, хусусан, қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-модда), кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖК 98-модда), зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЖК 100-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш (ЖК 101-модда) ҳамда эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш (ЖК 102-модда) каби жиноятлар учун оғирлаштирувчи банд сифатида вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилиш ҳолатларини норматив равишда белгилаш тақлиф этилади.

1. Вояга етмаганларга нисбатан зўравонликнинг аниқ таърифини бериш. Қонунчиликка кенг ва аниқ тушунча киритиш, унинг барча кўринишларини, жумладан, қаровсизликни ўз ичига олиш.

2. Квалификация қилувчи белгиларни жорий этиш. Жиноят кодексининг 164, 165 ва 166-моддаларида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятларга алоҳида квалификация белгиларини киритиш.

3. Ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар учун методик тавсиялар ишлаб чиқиш, жабрланувчининг ёши ва ҳимоясизлигини инобатга олиш.

4. Статистик ҳисоботни яхшилаш. Вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилишда ягона ёндашувни таъминлаш.

5. Илмий ва соҳавий ҳамкорлик. Зўравонлик масалаларини чуқурроқ ўрганиш ва ҳуқуқий тартибга солиш учун ҳуқуқшунослик, психология, социология ва педагогика соҳалари ўртасида янада ҳамкорликни ривожлантириш зарур.

2.1 Шахсга қарши жиноят, хусусан қотиллик жиноятида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд қилинган айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги номли “в” бандининг “ожиз аҳволдаги” жумласи турлича талқин қилиниши мумкин бўлган дискрет жумла эканлиги сабабли мазкур бандга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритиш таклиф этилади:

в) Айбдор учун ожиз ҳолатда эканлиги аниқ бўлган вояга етмаган ёки бошқа шахсга нисбатан;

3. Қуйидагиларнинг таърифлари шакллантириш:

— “вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш” – бу жиноят қонунчилиги орқали уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жисмоний зўравонлик, жинсий тажовуз, шунингдек, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши содир этиладиган жиноятлардан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар, институтлар ва механизмлар мажмуасидир;

— “болалар ҳуқуқларини халқаро ҳимоя қилиш” — бу болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва давлатлар томонидан ушбу ҳуқуқларга риоя этилишини назорат қилиш учун махсус механизмларни яратиш орқали ҳимояни амалга оширадиган халқаро органлар ва процедуралар тизимидир.

— “мажбурлаш” – бу жабрланувчининг иродасига қарши амалга ошириладиган, жабрланувчи баданига муайян даражада шикаст етказишга (жисмоний зўрлик) ёхуд шундай шикаст етказиш билан қўрқитиш (руҳий зўрлик) орқали амалга оширишга қаратилган унинг жисмоний ва руҳий дахлсизлигини бузувчи, қасддан, ижтимоий хавфли қонунга хилоф таъсир”.

— “руҳий мажбурлаш – бошқа шахснинг иродасини бостириш ёки жиноятчи учун фойдали бўлган ҳаракатларнинг содир этилишига эришишга қаратилган шахснинг руҳиятига тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳуқуққа хилоф ахборот орқали таъсири”.

Жиноят кодексининг 118-119-моддалари 3-қисми “е” бандидаги “оғир оқибатлар” жумласи ҳам ўз табиатига кўра турлича талқин қилиниши мумкин бўлган

дискрет жумла эканлиги миллий ва хорижий олимларнинг хулосалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили, сўровнома натижалари ҳамда хорижий тажрибалар асосида тадқиқ қилиниб, мазкур ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этиш мақсадида қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 118-119-моддалари

3-қисми е) банди “оғир оқибатларга олиб келган бўлса” сўзлари ўрнига “эҳтиётсизлик орқали оғир шикаст етказилишига, ОИВ инфекцияси билан зарарланиши ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган бўлса” сўзлари билан тўлдириш таклиф этилади.

Шунингдек, мазкур оқибатлар қаторига жабрланувчи яъни 14 ёшга тўлмаган ёки вояга етмаган шахсни ўлимига сабаб бўлиш каби оқибатларнинг белгиланиши бугунги кундаги ўта оғир жиноятларнинг ҳуқуқий баҳоланишидаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Чунки, вояга етмаган шахсни номусига тегиш давомида эҳтиётсизлик оқибатида шахсни вафотига олиб келган ҳолатлар ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми “з” банди билан қўшимча квалификация қилиш нотўғри ҳисобланади. Сабаби ҳаракатга нисбатан қасд, оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик шаклида ушбу ҳаракатни айнан қотиллик сифатида ҳуқуқий баҳолаб бўлмаслиги ҳам тадқиқотимиз давомида асослаб берилган.

5. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишда вояга етмаганни ёшини аниқлаш мураккаблиги, бу борада жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра эндиликда ЖКнинг 128-моддаси ёки 1281-моддасида назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик жиноят қурбонини ёшини билиши ёки билиши лозимлиги билан боғлиқ қоидаларни истисно этаётганлигини инобатга олган ҳолда, ташқи кўриниши мазкур ёш тоифасини аниқлаш имконини бермайдиган ҳолларни алоҳида тартибда Олий суд пленуми қарорида тушунтириш сифатида қайд этиш лозимлиги, бунда ташқи кўринишга оид мутахассис, экспертларнинг хулосаларини олиш мажбуриятларини юкланиши (габитология ва бошқа) таклиф этилади;

6. Жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан зўравонлик турларини таснифлаш орқали замонавий таҳдидларни жиноий-ҳуқуқий белгилаш бўйича қуйидаги таклифлар илгари сурилади:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддаси, 118-моддаси 4-қисмига ва 128-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилган.

7. Вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятларни ижтимоий хавфлилигини юқори баҳолаш бўйича ҳуқуқий механизмлар белгилаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг шахсга қарши жиноятлар бобига қуйидагича ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ, ҳисоблаймиз.

«97-модда. Қасддан одам ўлдириш»

2-қисм. Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, в) «айбдорга аён бўлган ожиз аҳволдаги шахсни» бандига қуйидаги ўзгартиш киритиш таклиф этилади:

в) Айбдор учун ожиз ҳолатда эканлиги аниқ бўлган вояга етмаган ёки бошқа шахсга нисбатан;

2) «98-модда. Кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш» моддаси қуйидаги 2-қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

2-қисм. Ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсни ўлдириши –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3) «100-модда. Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш» моддаси қуйидаги 2-қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

2-қисм. Ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсни ўлдириши –

уч йилдан беш йил йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4) «101-модда. Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш» моддаси қуйидаги 2-қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

2-қисм. Ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсни ўлдириши –

уч йилдан беш йил йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

5) «102-модда. Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш» моддаси 2-қисмига қуйидаги тўлдириш таклиф этилади:

2-қисм. Эҳтиётсизлик орқасида вояга етмаган шахсни ёки икки ва ундан ортиқ одам ўлдириш

8. Вояга етмаганлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган айрим турдаги жиноятлар учун жазо тизимига қўшимча равишда БМТнинг 1985 йилги “Beijing Rules” — Вояга етмаганлар адлияси стандарт қоидаларига мувофиқ, халқаро умумэтироф этилган алоҳида пробация дастурлари, “Қатъий назорат остида бўлиш”, “ахлоқан тузатувчи дастурларда иштирок этиш”, “ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш”, “психологик реабилитация курсларида қатнашиш” каби муқобил мажбурлов чораларини киритиш бўйича таклифлар илгари сурилади;

9. Субъект ёшига тўлмаган вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар учун тарбиявий ва реабилитация чораларнинг қўллаш имкониятини жинсий -ҳуқуқий қайд этиш таклиф этилади;

10. Ўзбекистон Республикаси ЖКга босқичма-босқич зўравонликни турли кўринишлари хусусан, буллинг, кибербуллинг, троллинг, хейтинг, фрейпинг, диссинг, аутинг, кетфишинг, сталкинг, гриффинг, секстинг сингари турларини оқибатига мувофиқ ҳамда преюдиция тартибида жиноят сифатида қайд этиш таклиф этилади;

11. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-бўлимига “рахмсиз муомала”, “муттасил равишда камситиш”, “ўтакетган беҳаёлик” каби жумлаларга императив таърифни қайд этиш таклиф этилади;

13. Миллий қонун ҳужжатларида 18 ёшга тўлмаган шахсларни турли хилда номланиши, яъни бунда “Вояга етмаган”, “Ёш”, “Бола”, “Фарзанд”, “Ўспирин”, “Ёшлар” каби терминлардаги ҳар хиллик бартараф этиш мақсадида, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс “бола” (child) деб белгиланганлиги боис, барча миллий даражадаги қонун ва

қонуности ҳужжатларидаги мазкур жумлаларни “бола” жумласига қайта ўзгартириш лозимлиги тўғрисидаги хулосага келинган;

14. МЖТКнинг 47-модда. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши —

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини қуйидаги мазмундаги

1222-модда билан тўлдириш:

“1222-Вояга етмаган шахсни тарбиялаш бўйича мажбуриятларни бажармаслик

Вояга етмаган шахсни тарбиялаш бўйича мажбуриятларни ота-она ёки ушбу мажбурият юклатилган бошқа шахс томонидан бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, шунингдек, педагогик ходим ёки таълим муассасаси, тиббиёт муассасаси, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ташкилот ёки вояга етмаган шахсни назорат қилишга масъул бўлган бошқа ташкилотнинг ходими томонидан ушбу мажбуриятларни бажармаслик, агар бу ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш билан боғлиқ бўлса, —

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икк юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

14. Жиноят кодекси 131-моддаси 4-қисмида вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб қилиш учун жавобгарлик белгиланган, лекин мазмунан фоҳишалик ҳам ғайриижтимоий хатти-ҳаракат ҳисобланади, шунингдек, у айнан вояга етмаган шахсларни жалб этишга қаратилганлиги сабабли ҳам ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгиланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини 1272-модда (вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб қилиш) билан тўлдириш таклиф этилган:

«1272-модда. Вояга етмаган шахсни фоҳишаликка жалб қилиш.

Вояга етмаган шахсни алдаш, мажбурлаш, зўрлик ишлатиш, моддий манфаат кўришни ваъда қилиш ёхуд бошқача йўл билан фоҳишаликка жалб этиш, —

икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан;

такроран ёхуд ЖКнинг 131, 135–моддаларида кўзда тутилган жиноятларни содир қилган шахс томонидан;

уюшган гуруҳ томонидан содир қилиниши, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

15. ЖКнинг 128-моддаси икинчи қисмида назарда тутилган “Ўша ҳаракатлар моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш

орқали содир этилган бўлса,” бандини ҳуқуқий тартиблаш мақсадида ЖКнинг 1281-моддаси иккинчи қисмига ўтказишни лозим топдик.

Сабаби Жиноят кодекси 1281-моддасида назарда тутилган қилмишнинг объектив томони айнан 128-модданинг иккинчи қисмида ҳуқуқий жиҳатдан хато қайд этилганлиги ишимиз доирасида асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 128-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

“128-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш

Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 121 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) яқин қариндошига ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”.

16. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1281-моддасини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

“1281-модда. Вояга етмаган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, —

уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан тўрт йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 121 ва (ёки) 129-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

б) якин қариндошига ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга нисбатан;

в) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

17. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 129-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“129-модда. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш

Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиш, —

икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан;

б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

в) ўн тўрт ёшга тўлмаган шахсга нисбатан;

г) ногиронлик белгисига эга эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

д) такроран, хавфли рецидивист томонидан ёки илгари ушбу Кодекснинг 118, 119, 121 ва (ёки) 128-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан;

е) якин қариндошига ёки бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга нисбатан;

ж) жабрланувчини тарбиялаш, ўқитиш ва (ёки) унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан, шунингдек жабрланувчига қараб туриш мажбуриятлари қонун билан зиммасига юклатилган таълим, тарбия, даволаш ёки бошқа муассасанинг ходими томонидан;

и) телекоммуникация тармоқлари ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки қўрқитиб содир этилган бўлса, —

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Хулоса сифатида шунини таъкидламоқчимизки, амалга оширилган тадқиқоти натижасида Ўзбекистон шароитида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш узлуксиз тадқиқотларга асосланган ислохотлар кўринишида давом этиши лозим. Чунки болалар суверен давлатимизнинг келажаги ва асосий истиқболи, уни соғлом муҳитда, саломат ҳамда етук қилиб тарбиялаш бу — давлатнинг бирламчи вазифаси саналади.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси [Текст] : 1989 йил 20 ноябрда Нью-Йоркда қабул қилинган. – Нью-Йорк : БМТ, 1989. – 54 б.
2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг “Болалар ҳуқуқларини рақамли муҳитда химоя қилиш тўғрисида”ги резолюцияси [Текст]. – Нью-Йорк : БМТ, 2021. – 18 б.
3. Европа Кенгашининг Кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенцияси (Будапешт конвенцияси) [Текст] : 2001 йил 23 ноябр. – Страсбург : Европа Кенгаши, 2001. – 64 б.
4. Clough J. Principles of Cybercrime. – Cambridge : Cambridge University Press, 2015. – 410 p.
5. Кибальник А.Г. Преступления в сфере компьютерной информации. – Москва : Юрайт, 2020. – 256 с.
6. Rose-Ackerman S. Corruption and Government: Causes, Consequences, and Reform. – Cambridge : Cambridge University Press, 2016. – 280 p.
7. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. – Москва : Норма, 2021. – 832 с.
8. Коржанский Н.И. Объект и предмет уголовно-правовой охраны. – Киев : Наукова думка, 2018. – 240 с.
9. Лопашенко Н.А. Преступления против личности. – Москва : Норма, 2019. – 512 с.
10. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисобот маълумотлар марказининг жиноятчилик динамикаси бўйича маълумотномаси.
11. United States Code. Title 18 – Crimes and Criminal Procedure [Text]. – Washington, D.C. : U.S. Government Publishing Office, 2023.
12. Strafgesetzbuch (StGB) – Deutsches Strafgesetzbuch [Text]. – Berlin : Bundesministerium der Justiz, 2023.
13. Criminal Law of the Republic of Korea [Text]. – Seoul : Ministry of Justice, 2023.
14. Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисобот маълумотлар марказининг жиноятчилик динамикаси бўйича маълумотномаси.
15. Criminal Code of France [Text]. – Paris : Legifrance, 2023.
16. Strafgesetzbuch (StGB) – Deutsches Strafgesetzbuch [Text]. – Berlin : Bundesministerium der Justiz, 2023.
17. United States Code. Title 18 – Crimes and Criminal Procedure [Text]. – Washington, D.C. : U.S. Government Publishing Office, 2023.
18. Sexual Offences Act 2003 [Text]. – London : The Stationery Office, 2003
19. Citron D.K., Franks M.A. Criminalizing Revenge Porn // Wake Forest Law Review. – 2014. – Vol. 49. – P. 345–391.
20. Criminal Code of France [Text]. – Paris : Legifrance, 2023.

21. Sexual Offences Act 2003 [Text]. – London : The Stationery Office, 2003.
22. Criminal Law of the Republic of Korea [Text]. – Seoul : Ministry of Justice, 2023.
23. Бирлашган Миллиталар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари бўйича Конвенцияси 1989 йил” – Тошкент “Адолат” нашриёти 2009 йил
24. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Конвенцияси https://nrm.uz/contentf?doc=371783_inson_huquqlari_bo%E2%80%98yicha_evropa_konvepciyasi_haqida
25. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 30.06.2024 йил // <https://president.uz/uz/lists/view/7361>
26. Турсунова М.Б. Вояга етмаганларга нисбатан содир этиладиган зўравонликлар профилактикаси // Eurasian journal of technology and innovation Volume 2, Issue 2, February 2024 ISSN 2181-2020 Page 96-102
27. Социология молодёжи. Учебник. под ред. В.Т Лисовского. – Санкт-Петербург, 2016.
28. Безрукова О.Н. Социология молодежи: Учебно-методическое пособие. Факультет социологии СПбГУ. – Санкт-Петербург: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2015. – С. 35.
29. Мусаев М.А. Ҳаётга қарши жиноятлар: назария ва амалий муаммолари: Монография. – Т.: «Шарқ», 2011. – Б.228.; Исмаилов И. Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: юрид. фан. д-ри. ... дис. –Т., 2006. – Б.38.;
30. Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил 8-августдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги ЎРҚ-860-сон Қонуни
31. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш услубиятини тасдиқлаш ҳақида”ги 31.10.2023 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3470 <https://www.lex.uz/uz/docs/6649238>
32. Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш: юрид. фан. бўйича фал. д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2019. – Б.28,110.; 220.; Фазилов И.Ю. Одам савдосига қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: юрид. фан. д-ри. ... дис. – Т., 2016. – Б.30.
33. Абдухалиқов М.А., Пайзуллаев Қ., Абдуқодиров Ш.Й. Жиноят -ижроия ҳуқуқи дарслик. –Т.: ТДЮИ, 2005. – 142 б.
34. Баби́чев Арсений Георгиевич Преступления против жизни: теоретико-прикладные проблемы и доктринальная модель уголовного закона // Автореф. дисс. на соискание ученой степени док. юрид. наук Казань – 2019 С.32-35
35. Sudlangan shaxslar tomonidan sodir etilgan ayrim turdagi jinoyatlarning hududlar kesimi bo'yicha dinamikasi // <https://stat.sud.uz/assets/uploads/criminal/pdf/criminal-2024-full.pdf>

25-Fevral, 2026-yil

36. Доронина, Елизавета Борисовна Беспомощное состояние потерпевшего в структуре состава убийства: теория, закон, практика // автореф. кандидат юридических наук Челябинск 2004 С 1-177

37. Рустамбаев М.Х. Жиноят кодексига шарҳлар // Махсус қисм Юридик адабиётлар publish Т.–2023 йил

38. Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг Қарори Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори, 24.09.2004 йилдаги 13-сон <https://lex.uz/docs/1455961>